

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 3

«14» сентябрь 2022 йил

Кўкон шаҳар

ҚДПИ бўлими бундан буён «БУЮРТМАЧИ» деб юритулувчи амалдаги низомга асосан ҳаракат қилувчи бошлиқ шахсидан Д.Ходжаева ва «Инвест строй дизайн» МЧЖ бундан буён «ПУДРАТЧИ» деб юритулувчи амалдаги низомга асосан ҳаракат қилувчи бошлиқ шахсидан В.Файзиматов ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида тўзадилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ.

- 1.1 «ПУДРАТЧИ» ўз кучи. Асбоблари механизмлари билан «ҚДПИ»га қаршли 8-уқув биносини шартномага илова қилинувчи танлов ҳужжатларига мувофик бинони жорий таъмирлаш ишлари амалдаги техник шартларга риоя қилган ҳолда ишларни бажариш мажбуриятлари ўз зиммасига олади.
- 1.2 «ПУДРАТЧИ» тегишли ҳужжатларига мос ҳолда «БУЮРТМАЧИ» биносидан бинони жорий таъмирлаш ишлари ни келишилган вақтда бажариш ва уни камчиликларсиз тўлиқ тайёр ҳолда ўз муддатида «БУЮРТМАЧИ»га топширишни ўз зиммасига олади.
- 1.3 «ПУДРАТЧИ» иш бажариш вақтида бинони жорий таъмирлаш ишлари учун кетадиган материаллар ва ишчи кучини ўз ҳисобидан ўзи таъминлайди.
- 1.4 «ПУДРАТЧИ» томонидан қилинган ишлар якунлангандан кейин Ф-2, Ф-3 далолатномаларини «БУЮРТМАЧИ» ўзининг мутахассисларини иштирокида қабул қилиб олади.

2. ШАРТНОМА БАХОСИ.

- 2.1. Шартноманинг умумий баҳоси: 133 200 000 (Бир юз ўттиз уч миллион икки юз минг) сўмни ташкил қилади.
- 2.2 Шартнома баҳоси ўз ичига КМИ материаллар баҳоси тафовути ва ҚҚС ни олади.

3. ТУЛОВ ШАРТЛАРИ.

- 3.1 Ушбу шартнома буйича «БУЮРТМАЧИ» томонидан «ПУДРАТЧИ» ҳисоб рақамига 30% аванс туловини ўтказиб беради.
- 3.2 Тулов шакли «ПУДРАТЧИ» томонидан Ф-2 ҳужжатларини тасдиқлангандан сўнг солиштирма далолатномаси ва ҳисоб фактурага асосан «БУЮРТМАЧИ» «ПУДРАТЧИ» нинг ҳисоб рақамига тугридан тугри пул ўтказиб беради.
- 3.3 Шартнома буйича охириги 70% ҳисоб-китоб иш тўлиқ таъминлангандан сунг 25 кундан кечиктирмай «БУЮРТМАЧИ» томонидан амалга оширилади.

4. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ ВА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ.

- 4.1 «ПУДРАТЧИ» ушбу шартномани 1-бўлимида назарда тутилган ишларини 30-кун муддатда бажаради.
- 4.2 Шарнома 2022 йил 31-декабргача амал қилади.

5. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

- 5.1 «ПУДРАТЧИ».
 - 5.1.1 Ўз кучи техника воситаси билан календар иш режасида назарда тутилган барча ишларни тўла ҳажмда ва муддатда бажариши ва тегишли лойиха ҳужжатларидаги ҳолатда ишларни «БУЮРТМАЧИ» га меърий ҳужжатлар талабига ва қоидалар асосида топшириш:
 - 5.1.2 Ушбу шартнома буйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташкилотлар билан субподряд шартномаги тўзганини тўғрисида «БУЮРТМАЧИ» га ахборот бериш ва у томонидан ишларни бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш.
 - 5.1.3 Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни бинони жорий таъмирлаш ишлари буйича зарур чора тадбирларини бажарилишини таъминлаш:
 - 5.1.4 «ПУДРАТЧИ» назорати тўловларидан келиб чиққан ортиқча иш хақи ҳажми учун жавоб бермайди. «ПУДРАТЧИ» (ёллама) ташкилотлар ўзлари бажарган иш ҳажмлари учун ўзлари жавоб бериш мажбуриятини олади.

5.2 «БУЮРТМАЧИ»

5.2.1 Календар иш режаси белгиланган хажмда ва муддатда хажми «ПУДРАТЧИ» га топшириш;

5.2.2 У шартномани 1-бўлимида назарда тутилган ишлар шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда «ПУДРАТЧИ» га ҳақ тулаш;

5.2.3 «ПУДРАТЧИ» дан ёзма хабарнома олган санадан бошлаб 2 ҳафта ичида объектни қабул қилиш мажбуриятларини олади.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1 Тарафлар шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддатларини бўзганлиги учун айбдор тараф бошқа тарафга кечиктирилган ҳар бир кун учун шартнома баҳосининг 0.5% ҳисобида пеня тулайди лекин шартноманинг 2,1 бандида кўрсатиб ўтилган сўммининг 50 % дан ошмаслиги керак.

6.2 Тарафлардан бири ушбу шартнома буйича мажбуриятларни бажармаган ёки лойиха даражада бажармаган ҳолларда айбдор тараф бошқа тарафга бой берилган фойдани қўшиб кўрган зарарни қоплайди.

6.3 Пеня тулаш тарафларни мажбуриятларини бажариш ёки бўзилиш ҳуқуқий бартараф этишдан озод этмайди.

7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

7.1 Тарафларни биронтаси ҳам ушбу шартнома буйича олган мажбуриятларини тарафларни эрки ва истагидан ташқари пайдо бўлган ва уларни олдиндан кўра билиш ёки бартараф этиш мумкин. Бўлмаган ҳолатлар бундан уруш эълон қилиниши ёки амалда бошланганлиги фуқоралик тартибсизлиги, вабо тарқалиши, блокада, эмбарго, эр кемиринчи сув тошқини ёнгини ва бошқа табиий ҳолатлар билан боғлиқ ҳолда бажармаганлиги учун жавобгар бўлмайди.

7.2 Бартараф қилиб бўлмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этмаганлиги Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлари томонидан берилган гувоҳномалар унинг етарли даражасидаги тасдиғи ҳисобланади.

7.3 Ўз мажбуриятларини бажармаган тараф шартнома буйича мажбуриятни бажармаган тараф шартнома буйича мажбуриятни бажариш унинг тўсир курсатиш ёки монеълик қилиш тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тез хабар бериш лозим.

7.4 Агар бартараф қилиб бўлмайдиган кучлар 3 ой давомида мунтазам тасир этаётган бўлса ва тугаш белгилари аниқланмаса буюртмачи томонидан шартнома бекор қилиши мумкин.

8. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

8.1 Тарафлар ўртасида ушбу шартнома буйича ёки у билан пайдо булган барча низолар ёки келишмовчиликлар тарафлар ўртасида мўзоқара йули билан хал қилинади.

8.2 Агар келишмовчиликлар мўзоқара йули билан хал қилиб бўлмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иктисодий судида кўрилиши лозим бўлади.

9. ШАРТНОМАГА ҚУШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ.

9.1 Ушбу шартнома ҳар қандай киритиладиган қушимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштириб ҳар иккала томон имзолаган ҳолларда ва Ҳазначилик бўлимидан руйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга эга бўлади.

9.2 «БУЮРТМАЧИ» куйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақлидир:

9.2.1 «ПУДРАТЧИ» нинг айби билан ишларни боришини сусткашлик билан муддати 1 (бир) ой ун (10) кунга ошиб кетганда.

9.2.2 «ПУДРАТЧИ» нинг шартнома шартларини бўзиш натижасида кўрсатилган ишларини сифати пасайганда.

9.3 «ПУДРАТЧИ» куйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли;

9.3.1 «БУЮРТМАЧИ» томонидан «ПУДРАТЧИ» га боғлиқ бўлмаган сабаблар буйича бинони жорий таъмирлаш ишларининг боришини 1 ойдан ошадиган муддатга тухтатиб турганда;

9.3.2 «БУЮРТМАЧИ» томонидан лойиха ҳужжатларини ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ ҳолда ишларни баҳоси 50% кунига камайганда.

9.3.3 «БУЮРТМАЧИ» томонидан кейинчалик бинони жорий таъмирлаш ишлари молиялаш имконияти йуқотилганда.

9.4 «БУЮРТМАЧИ» «ПУДРАТЧИ» нинг биргаликдаги қарори бўйича шартнома бекор қилинади. «БУЮРТМАЧИ» эса «ПУДРАТЧИ» га улар томонидан аниқланган бажарилган ишлар ҳажми қийматини тўлайди.

9.5 Шартнома бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборилади.

10. БОШҚА ШАРТЛАР.

10.1 «ПУДРАТЧИ» амалдаги тартиб ва қоидалар бўйича бажарилган ишлар сифатига 1-йил муддатга кафолат беради. Ушбу бандга риоя қилинмаган ҳолларда бажарилган ишлар шартномавий кийматининг 0,5 баробари миқдорда жарима тулайди.

10.2 Хар иккала томон Ўзбекистон Республикаси қонунлари доирасида фаолият курсатадилар.

11. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ.

«БУЮРТМАЧИ»

Номи: ҚДПИ
Манзили: Кўқон шаҳар Турон кўчаси 23-уй
Тел: _____
Ш.Ф.Х.: 400910860304057094100079001
СТИР: 200 131 171 **ОКОНХ:** 92110
Ҳазначилик бўлинмасининг номи:
Молия вазирлиги Ҳазначилиги
Я.Ф.Х.: 23402000300100001010
Банк номи: Марказий Банк Тошкент шаҳар
бош бошқармаси Х.К.К.М.
МФО: 00017 **ИНН:** 201122919

Раҳбар: Д.А.Озжонбаева
М.У.: _____ (МЗО)



Хукукшунос: _____

«ПУДРАТЧИ»

Номи: «Инвест строй дизайн» МЧЖ
Манзили: Тошлоқ тумани, Ахшак қишлоғи
Х/Р: 20208000604200672001
Банк: ФАРГОНА Ш. "УНИВЕРСАЛ БАНК"
МФО: 01131
Тел: 97 555 05 05
ИНН: 204 136 430
ОКОНХ: 61110

Раҳбар: В.Файзуллаев
М.У.: _____ (ИМЗО)



Х.Ҳазраткулов



30 08 2022й йил кунги 22110012145413 лот раками билан ҚДПИ раёони 8-ўқув биносини жорий таъмирлаш учун қурувчи ташкилотни танлаб олишга etender.uzex.uz платформасида эълон қилинган таклифларни танлаб олиш учун жойлаштирилган эълон натижасини аниқлаш учун харид қилиш шартномасини имзо қилиш баёни:

Б А Ё Н № 8

Қатнашдилар:

Комиссия раиси, ректор: Д.Ходжаева

Комиссия аъзолари:

Проректор: Ж.Аъзамов

Коррупсияга қарши курашиш
комплаенс-назорати тизимини
бошқариш бўлими бошлиғи: Т.Сиддиқов

Хуқуқшунос: Х.Хазратқулов

Режа ва молия бўлими бошлиғи: Н.Холиқов

Касаба уюшмаси раиси: А.Рахматуллаев

Бош ҳисобчи: А.Абдурахимов

Ушбу элонга 3 нафар лойихачи ташкилотлар қатнашди. Жумладан:


«Данғара комфорт қурилиш» МЧЖ


«Хоси замона» ООО


«Учқўприк иссиқлик қурилиш» МЧЖ томонидан таклифлар келиб тушган.


Таклифлар бўйича комиссия аъзолари томонидан 10 09 2022йил куни ўрганиб чиқиб баҳоланган ва 2 кун муҳокамага қўйилган.


ҚДПИга 8-ўқув биносини жорий таъмирлаш бўйича «Учқўприк иссиқлик қурилиш» МЧЖ голиб этиб топилди лекин ушбу ташкилот ўз хохиши билан шартнома тузишдан бош тортди ва электрон платформа орқали шартнома 2 томонлама бекор қилинди. Захира қурувчи ташкилот ООО «Хоси замона» ишни бажаришга розилик берди ва ушбу қурилиш ташкилоти билан шартнома тузилди. 14 09 2022йил кунигача бошқа ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмади.


Комиссия раиси, ректор:  Д.Ходжаева


Проректор:  Ж.Аъзамов

Коррупсияга қарши курашиш
комплаенс-назорати тизимини
бошқариш бўлими бошлиғи:  Т.Сиддиқов

Хуқуқшунос:  Х.Хазратқулов

Режа ва молия бўлими бошлиғи:  Н.Холиқов

Касаба уюшмаси раиси:  А.Рахматуллаев

Бош ҳисобчи:  А.Абдурахимов